

Ибрат бўлувчи воқеа



10:03 / 28.05.2025 1471

Ашраф Алий Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳнинг бир шогирди бўлиб, у зот унга тазкия ва талқинга ижозат берган эди. Бир куни у ўғилчасини етаклаб устози зиёратига келди. Салом-алиқдан сўнг ўғлини таништириб, унинг ҳаққига дуо қилишларини сўради. Ҳазрат боланинг ҳаққига дуо қилдилар. Гап орасида устоз боланинг ёшини ҳам сўраб қолдилар. Шогирд «Болам ўн уч ёшда», деди. Мамлакатдаги қонун бўйича болаларга ўн уч ёшгача чипта нархининг ярми тўланар, ўн учга тўлган кунидан бошлаб уларнинг чиптаси ҳам катталар каби тўла баҳосига харид қилинар эди. Ҳазрат болага чиптанинг қайси нархда олинганини сўраб қолдилар. Шогирди «Жуссаси кичкина бўлгани учун ярим нарх тўладик», деб жавоб берди. Шунда устознинг авзойи бирдан ўзгариб, шундай дедилар: «Инна лиллааҳи ва инна илайҳи рожиъун! Сизга тасаввуф ва тариқатнинг чанги ҳам етиб келмаган экан. Сиз ҳалигача ҳаром-ҳалолни ажратмабсиз. Болани

сафарга олиб чиқибсиз-у, лекин унга йўлкира тўлашда ҳаром ишга қўл урибсиз. Катталар мақомига етган болага ёш болаларнинг чиптасини олиб, йўл хизмати идорасининг ҳаққини ўғирлабсиз. Ўғрилиқ қиладиган. бировнинг ҳаққини тортиб оладиган шахс тасаввуф ва тариқатда бирор мақомга эга бўлмайди. Шунинг учун сизга берган ижозатимни бекор қиламан».

Ўша шогирд ибодатда мукаммал киши эди. Лекин устоз чипта олишда, яъни муомалотда ҳаромга йўл қўйгани туфайли унга берган ваколатини бекор қилди.

Абдулманнон Андижоний

«Ҳилол» журнали 7(64)-сон.

Ушбу журнал Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 5 декабрдаги 03-07/7163-сонли рухсати асосида тайёрланди.